



## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРАҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ШАРОИТИДА СОЛИҚ СИЁСАТИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Худойқулов Садирдин Каримович**

*Тошкент давлат иқтисодий университетининг Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори, и.ф.д., доцент. Тошкент, Ўзбекистон. [s.xudoyqulov@tsue.uz](mailto:s.xudoyqulov@tsue.uz)*

**Бабаев Шавкат Байрамович**

*Тошкент давлат иқтисодий университети Солиқлар ва суғурта иши кафедраси PhD, доцент. Тошкент, Ўзбекистон. [sh.babaev@tsue.uz](mailto:sh.babaev@tsue.uz)*

DOI: [https://doi.org/10.55439/EIT/vol10\\_iss4/a30](https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss4/a30)

### **Аннотация**

Ҳар қайси мамлакатнинг иқтисодий сиёсатида солиқ сиёсати ўта муҳим роль ўйнайди. Солиқ сиёсати давлатнинг бошқа иқтисодий сиёсатининг йўналишларига кучли узвий боғлиқлиги билан бир қаторда, уларга таъсир қилиб боради. Солиқ сиёсатини тўғри ишлаб чиқиш ва унинг стратегик ҳамда тактик йўналишларини белгилаб олиш ўта долзарб ва мураккаб жараён ҳисобланади. Мазкур мақолада солиқ сиёсатининг мазмуни, унинг стратегияси ва тактикаси ҳамда бугунги кунда Ўзбекистон солиқ сиёсатининг устувор йўналишлари таҳлил қилинади.

**Таянч сўзлар:** Солиқ, солиқ муносаглари, иқтисодий сиёсат, солиқ сиёсати, солиқ сиёсати стратегияси, солиқ сиёсати тактикаси, солиқ ставкаси, солиқ имтиёзлари, солиқ сиёсати йўналишлари, давлат бюджети, марказлаштирилган пул фондлари.

### **Аннотация**

Налоговая политика играет очень важную роль в экономической политике любой страны. Налоговая политика тесно связана с другими видами экономической политики государства и оказывает на них влияние. Правильная разработка налоговой политики и определение ее стратегических и тактических направлений – очень актуальный и сложный процесс. В данной статье анализируется содержание налоговой политики, ее стратегия и тактика, а также приоритетные направления налоговой политики Узбекистана на сегодняшний день.

**Ключевые слова:** Налог, налоговые отношения, экономическая политика, налоговая политика, стратегия налоговой политики, тактика налоговой политики, налоговая ставка, налоговые льготы, направления налоговой политики, государственный бюджет, централизованные денежные фонды.

### **Abstract**

Tax policy plays a very important role in the economic policy of any country. Tax policy is closely connected with other types of economic policy of the state and influences them. The correct development of tax policy and the definition of its strategic and tactical directions is a very relevant and complex process. This article analyzes the content of the tax policy, its strategy and tactics, as well as the priority areas of the tax policy of Uzbekistan today.

**Key words:** Tax, tax relations, economic policy, tax policy, tax policy strategy, tax policy tactics, tax rate, tax incentives, tax policy directions, state budget, centralized monetary funds.

## **Кириш (Introduction)**

Давлатнинг ички молиявий сиёсатининг мазмунида марказлашган пул фондларини шакллантириш ва уларни тақсимлаш билан муносабатлар асосий роль ўйнайди. Бу эса, давлатнинг иқтисодий сиёсатининг энг муҳим таркибий қисми бўлган солиқ сиёсати билан боғлиқдир. Албатта, ҳар қайси мамлакатнинг иқтисодий сиёсатида солиқ сиёсати ўта муҳим роль ўйнайди. Солиқ сиёсати давлатнинг бошқа иқтисодий сиёсатининг йўналишларига кучли узвий боғлиқлиги билан бир қаторда, уларга таъсир қилиб боради. Солиқ сиёсатини тўғри ишлаб чиқиш ва унинг стратегик ҳамда тактик йўналишларини белгилаб олиш ўта долзарб ва мураккаб жараён ҳисобланади. Ўз навбатида солиқ сиёсатини ишлаб чиқишнинг ўзи давлатнинг бир қатор молия-кредит соҳасидаги ваколатли органларининг фаолиятини бир йўналишда мувофиқлаштиришни тақозо этади. Шу жиҳатдан олганда солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш, уни амалга ошириш ва унинг самарадорлиги баҳолаш ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, унинг йўналишларини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилиб долзарб масалалардан саналади.

## **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review)**

Солиқ тизимдаги солиқ сиёсати, шунингдек, давлатнинг солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишнинг стратегик ва тактик йўналишлари билан боғлиқ илмий тадқиқотлар узоқ тарихга бориб тақалади. пайдо бўлиши биланоқ давлат ғазнаси сифатида шаклланган пул фондлари маблағларидан самарали фойдаланишни таъинлашга қаратилган махсус бўлинмалар ташкил этилиб келинган бўлса, давлат молияси билан боғлиқ тадқиқотларнинг марказида молиявий назорат масалалари кенг ўрин олиб келган. Бу жараён билан боғлиқ масалалар кўпгина молиячи олимлар илмий тадқиқотлар олиб борган. Жумладан, хорижлик иқтисодчи олимлардан Т.Гоббс, А.Смит, Д.Рикардо, У.Петти, М.Лоренц, Р.Кэмпбелл, К.Макконнел, Г.Мэнкью, G.Buehler, A.Laffer, R.Musgrave, F.Ramsey, Н.Тургенев, В.Твердохлебов, А.Вознесенский, В.Глухов, Л.Гончаренко, Е.Евстигеев, А.Исаев, М.Кулишер, В.Пансков, А.Погорлецкий, А.Соколов, С.Сутирин, Д.Тихонов, Д.Черник, Т.Юткинларнинг илмий асарларида тадқиқ этилган [1-14].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар Э.Гадоев, Ш.Гатаулин, И.Завалишина, А.Х. Исламқулов, Т.Маликов, О.Олимжонов, Х.Собиров, А.Жўраев, Ш.Тошматов, О.Абдурахманов, Б.Тошмуродова, Н.Хайдаров, А.Хайрутдинов, И.Ниязметов, Қ.Яхёев, Н.Қўзиева, С.Боймуротов [15-29] каби олимларнинг илмий ишларида солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришнинг назарий ва илмий-услубий жиҳатлари ўз аксини топган. Хусусан, Н.Тургенев, В.Твердохлебов, А.Вознесенский каби хорижлик олимлар давлатнинг ғазнасини молиявий маблағлар билан таъминлашда солиқ мажбуриятларини белгилаш билан боғлиқ солиқ сиёсатини ташкил этиш механизмларига оид илмий тадқиқотларни амалга оширган бўлса, Рус олимларидан В.Пансков, Д.Черник, Т.Юткинлар бозор муносабатлари шароитида давлат солиқ сиёсатининг стратегияси, тактикаси, солиқ сиёсатини йўналишларини амалга оширишда давлатнинг позицияси нималардан иборат бўлиши юзасидан илмий ишлар олиб борган.

Ўз навбатида Э.Гадоевнинг илмий тадқиқотлари ҳар бир солиқ тури бўйича солиқ сиёсати йўналишлари илмий-услубий жиҳатдан очиб берилган бўлса, профессор, А.Жўраев давлат бюджети даромадларини шакллантиришда солиқларни

ундириш билан боғлиқ солиқ сиёсати масалаларини илмий ўрганган, И.Ниязметов эса, илмий тадқиқотларида давлатнинг солиқ сиёсатидан махсус солиқ режимларини қўллаш хусусиятларини таҳлил қилиб, илмий тавсияларни ишлаб чиққан.

### **Тадқиқот методологияси (Research Methodology)**


Давлатнинг солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишнинг стратегик ва тактик йўналишлари билан боғлиқ илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда илмий тадқиқот методологияси доирасида кўп қўлланилиб келинадиган тадқиқот усуллари кенг фойдаланилди. Давлат солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда давлатнинг ваколатли органларининг фаолиятини қуйидан юқорига ва аксинча, юқоридан қуйига қараб, солиқ сиёсати йўналишларини амалга оширишни иерархияли ташкил этилишини таҳлил қилишда дедукцион ёки индукцион усулга асосланса, солиқ сиёсати таркиби ва тактик элементларининг ташкилий унсурларининг ягона бир тизим асосида таҳлил қилишда таҳлил ва синтез усулидан фойдаланилади. Солиқ сиёсатига оид илмий тадқиқот ишларини илмий-таҳлилий ўрганишда диалектик, абстракт, мантиқийлик каби усулларга таянилди. Бундан ташқари Мантиқий ва таққослама, абстракт-мантиқий фикрлаш ҳамда статистик усулларни қўллаш орқали комплекс таҳилларга асосланиб илмий-амалий таклифларни шакллантирилди.

### **Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)**

Давлатнинг ҳар қандай соҳадаги фаолиятининг йўналиши мақсадга қаратилган бўлади. Шу жиҳатдан олганда, мақсадга эришиш эса маълум бир чора-тадбирлар ва фаолиятнинг уйғулашувини талаб қилади. Бундай чора-тадбирлар ва фаолиятнинг уйғун ҳолда мавжуд бўлишлигини эса давлат сиёсати деб изоҳланади. Сиёсат сўзи латин тилидан олинган бўлиб, "πολιτική-давлат фаолияти, кўпчиликнинг манфаати, кўп томонлама ҳамкорлик"( πόλις (полис) -кўп томонлама ҳамкорлик, тική (тики)- белгиланиш, πολι (поли)-кўпчилик, τόκος (токос)-манфаат) каби маъноларни англатади. Демак, сиёсат замирида кўпчиликнинг манфаатларига асосланган давлат фаолияти туради.

Давлатнинг бундай фаолиятининг солиқларга оид қисми эса, ўз навбатида солиқ сиёсатининг ўзагини ташкил этади. Солиқ сиёсатининг ўзаги эса таъкидланганмиздек, тақсимот муносабатларига бориб тақалади. Миллий даромадни тақсимлаш, унинг учун мажбурий тўловлар воситаларини(солиқларни) жорий этиш, уни ундириш ва бу жараённинг боришини тартибга солиб туриш ҳамда уни доим такомиллаштириб бориш каби муносабатларни тақозо қилади. Бу муносабатлар ўртасидаги боғлиқликни таъминлаш эса давлатнинг фаолиятида маълум бир йўналишдаги жараённи-солиқ сиёсатини талаб қилади. Ҳар қандай сиёсат маълум таркибий қисмларга эга бўлади. Солиқ сиёсати ҳам давлатнинг иқтисодий(молиявий) сиёсатининг бўғини сифатида урта таркибий қисмдан иборат бўлади. Яъни, солиқларни жорий этиш, уни ундириш ва уни такомиллаштиришга қаратилган фаолиятдан иборат бўлади. Солиқ сиёсатининг моҳиятини англашда уни тор ва кенг маънода тушуниш мумкин. Тор маънода солиқ сиёсати деганда солиқлар жорий этиш ва уни ундиришга қаратилган давлатнинг фаолияти тушунилади. Чунки, сиёсатнинг ўзи давлатнинг фаолиятини билдиради.

Келтирилган 1-расмдан кўринадикки, молия сиёсати иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми сифатида ўзида солиқ, бюджет, фискал ва бюдже-солиқ сиёсатини мужассамлаштириб, ушбу сиёсат шакллари ҳам ўзаро боғлиқликда бўлади.




**1-расм. Молия ва солиқ сиёсатининг таркибий тузилиши<sup>1</sup>**

Солиқ сиёсати молия сиёсатининг бошқа таркибий қисмлари билан жуда боғлиқ ҳолда мавжуд бўлади. Солиқ сиёсати бюджет сиёсати билан биргаликда кўпинча бюджет-солиқ сиёсати ҳам деб юритилади. Шу билан биргаликда солиқ сиёсати фискал сиёсат билан ўзаро фарқли хусусиятларга ҳам эга бўлади. Солиқ сиёсати бундан ташқари монетар сиёсат билан ҳам ўзаро таъсирда бўлади. Чунки, солиқ сиёсати ишлаб чиқиладиганда инфляция даражаси, пул агрегатларининг ҳажми ва ҳаракатига солиқларнинг таъсири, корхоналарнинг инвестицион сиёсатини қўллаб-қувватлашда кредит ресурсларидан фойдаланиш каби масалалар албатта боғлиқликда қаралади.

Давлатнинг солиқ сиёсати мазмунан кенг ва бошқа иқтисодий-молиявий сиёсат турлари билан боғланганлиги унинг мураккаб жараёнларни қамраб олишини ифодалайди. Аслида солиқ сиёсатининг ядросини жамиятда ишлаб чиқилган ялпи миллий(ички) маҳсулотнинг ва янгидан яратилган қиймат-миллий даромаднинг қанча қисмини давлат манфаатлари йўлида марказлаштирилган пул фондлари(асосан давлат бюджети)га жалб қилиш масаласини ҳал этиш ётади. Мана шу масаланинг ҳал этилишига қараб фискал ва бюджет сиёсатининг йўналишлари аниқланади. Агар, давлат миллий даромадни қайта тақсимлашда иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш мақсадида солиқ юкини ҳаддан ташқари камайтирса, у ҳолда давлат бюджет сиёсатини ҳам шунга мослаштириш зарур бўлади. Ўз навбатида бюджет даромад манбаларини биллаш шуғулланувчи фискал сиёсатнинг мазмуни ҳам шунга боғлиқ бўлади. Агар давлат миллий даромаднинг бюджетга жалб қилинадиган қисмини оширадиган бўлса, у ишлаб чиқариш соҳасидаги такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ҳолатига, у ердаги инвестицион жараёнга таъсири қилиши билан биргаликда монетар, фискал ва бюджет сиёсатига ҳам таъсир қилади.

Ўзбекистон Республикасининг кейинги йиллардаги солиқ сиёсатида рағбатлантирувчи солиқ сиёсатининг устуворлигига ва тартибловчилик солиқ сиёсатининг инструментларидан фойдаланган ҳолда қўлланиши яхши самара бераётганлигини кўриш мумкин. Жаҳон амалиётида солиқ сиёсатининг энг самарали турларидан бири сифатида комбиналашган (мувозанатлашган) солиқ сиёсати анча кенг қўлланилиб борилмоқда. Миллий иқтисодиётда рақобат муҳитининг чуқурлашуви, давлатнинг тадбиркорлик сифатда намоён бўлишининг ортиши, миллий иқтисодиётнинг халқаро меҳнат тақсимоотидаги ўрни ошиб, халқаро интеграциялашув даражасининг кенгайиб бориши давлатларнинг солиқ сиёсатида комбиналашган солиқ сиёсатидан ҳам кенг фойдланишни тақозо этади. Бундай солиқ сиёсатининг ўзига хослиги шундаки, унда солиқ сиёсатининг бошқа турларининг асосий хусусиятларини ўзида мужассамлаштиради. Бу солиқ сиёсатини ишлаб чиқишнинг қулайлиги шундаки, мавжуд солиқ сиёсатларининг у ёки бу жиҳатларига қурилсада, аммо мураккаблиги шундаки, фискал, тартибловчи, рағбатлантирувчи солиқ сиёсатларининг қайси бирига устуворлик беришини танлаш масаласидир. Шу жиҳатдан олганда комбиналашган солиқ сиёсати мослашувчан характерда бўлиши тақозо этилади. Солиқ сиёсатининг фискаллик турига кўпроқ эътибор берилишидаги юзага келиб қолган салбий оқибатларни бошқа қайси солиқ сиёсатидан фойдаланиш орқали бартараф этишни ҳал этиш бу солиқ турининг мослашувчан тарзда мавжуд бўлишлигини талаб этади. Демак, комбиналашган солиқ сиёсати доим ўзгарувчан, вазиятга мослашувчан характердаги барча солиқ сиёсатларининг мазмунини ўзида акс эттирувчи солиқ сиёсати бўлиб, унинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиш жараёни ҳам давлатнинг бошқа иқтисодий соҳадаги сиёсатларига ҳам мослашган бўлади.

Солиқ сиёсати ҳам бошқа сиёсат сингари ўзига хос тамойилларга эга бўлиши талаб этилади. Ҳар қандай сиёсат мақсаддан келиб, чиқсада унинг бошланиши сиёсатни ишлаб чиқишдан иборат бўлади. Шунга кўра ҳар қайси сиёсат, жумладан, солиқ сиёсати ҳам маълум бир тизимга асосланади.




**2.расм. Солиқ сиёсатининг ишлаб чиқилиш жараёнлари<sup>2</sup>**

Келтирилган расмдан англаш мумкинки, ҳар қайси сиёсат аввало давлат фаолиятида аниқланган мақсаддан келиб чиқади, мақсадга эришишнинг воситалари, усул ва тамойилларини бирлаштиришган фаолият-сиёсатни амалга оширишни тақозо этади. Давлатнинг солиқ сиёсатидан кўзланган мақсад эса қайд этилганидек, соҳалар ўртасида тақсимоот муносабатларини мувозанатлаштиришни таъминлаш мақсадида марказлаштирилган пул фондларини шакллантириш ва уларни даромад манбалари

билан таъминлаш ҳамда жамият ҳаётини тартиблаш ва мувофиқлаштиришда солиқлардан самарали фойдаланишдан иборатдир. Давлатнинг бундай мақсадига эришиш эса солиқ сиёсатини амалга оширишни тақозо этади. Солиқ сиёсати эса аввало ишлаб чиқилиши лозим.

Агар, Ўзбекистон Республикасининг Ҳаракатлар стратегиясидан тараққиёт стратегиясига ўтиш давридаги солиқ сиёсатининг асосий йўналишларини назарий жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидагича гуруҳлаш мумкин:



**3-расм. Ўзбекистон Республикасининг Ҳаракатлар стратегиясидан тараққиёт стратегиясига ўтиш давридаги солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари<sup>3</sup>**

Мазкур йўналишлар Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 29.12.2021 йилдаги ЎРҚ-741-сон қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.12.2021 йилдаги ПҚ-73-сонли Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлаш чоратadbирлари тўғрисидаги” қарори мазмунларида ўз аксини топган.

Агар, ушбу солиқ сиёсатининг биринчи - **“Тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш” йўналишини** қарайдиган бўлсак, унда асосий воситаларга инвестициялар киритилишини рағбатлантириш мақсадида, фойда солиғи базасидан чегириладиган айрим харажатлар миқдори оширилиши; фаолият натижасида кўрилган ва келгуси даврга ўтказиладиган зарарларнинг чекланган миқдори жорий солиқ даври солиқ базасининг 60 фоизидан 100 фоизгача оширилиши; маҳаллий ва хорижий инвесторларга тенг шарт-шароитлар яратиш мақсадида, республикада доимий муассаса орқали фаолият юритадиган норезидентлар томонидан фойда солиғи билан бирга, соф фойдадан дивиденд солиғи (10 фоиз) тўлаш тартиби жорий этилиши;

тадбиркорларга улар умумий майдони 1 000 кв метрдан (10 сотихдан) ортиқ бўлган ер участкаларига ва (ёки) бино (иншоот)ларга мулк ҳуқуқини қўлга киритганда мол-мулк ва ер солиғи бўйича тўловларни олти ойга кечиктириш ҳуқуқи берилиши; солиқ ҳисоботини белгиланган муддатларда тақдим этмаганлик учун молиявий санкциялар бекор қилиниши; автотранспорт воситалари сотиб олинганда уларнинг қийматига нисбатан 3 фоиз миқдорида ҳамда двигатель қувватига қараб базавий ҳисоблаш миқдорларида йиғимлар ундириш тартиби бекор қилиниши; ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қуйидагиларга йўналтирган маблағлар даромад солиғидан озод қилинишини ўз ичига олаганлигини кўриш мумкин.

Иккинчи йўналиш **“Бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлаш”** борасидаги солиқ сиёсати орқали асосий солиқ ставкалари – қўшилган қиймат солиғи (15 фоиз), фойда солиғи (15 фоиз), жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (12 фоиз) ставкалари ўзгаришсиз қолдирилаётганлиги; қишлоқ хўжалигидаги солиқлар – ер солиғи (0,95 фоиз) ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ (1 метр куб учун 40 сўм) ставкалари ҳам амалдаги миқдорларда сақлаб қолинаётганлиги; қатъий миқдорда белгиланган акциз, ер, мол-мулк, сув солиқлари ставкалари ўртача 10 фоизга индексация қилинаётганлиги; маҳаллий полиэтилен гранулаларига акциз солиғи ставкаси амалдаги 20 фоиздан 10 фоизга пасайтирилиб, импорт полиэтиленга ҳам 10 фоиз ставкада акциз солиғи жорий этилаётганлиги; табиий газни экспортга ҳамда импорт қилинган табиий газни ички бозорда реализация қилишда акциз солиғи ставкаси ноль фоиз миқдорида белгиланаётганлиги билан изоҳланади.

Шунингдек, иккинчи йўналишда юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси амалдаги 2 фоиздан 1,5 фоизга пасайтирилди, солиқ солиш мақсадида, 1 метр квадрат кўчмас мулк объекти учун минимал қиймат жорий этилди (Тошкент шаҳрида – 2,5 млн сўм, Нукус шаҳри ва вилоят марказларида – 1,5 млн сўм, бошқа ҳудудларда – 1 млн сўм), суғориладиган ер майдони 25 гектардан кўп қишлоқ хўжалиги корхоналари қўшилган қиймат солиғи тўлашга ўтказилиши белгиланди, хусусий тижорат ташкилотларига жисмоний тарбия ва спорт хизматлари бўйича қўшилган қиймат солиғидан берилган имтиёзлар бекор қилиндики, булардан кўзланган асосий мақсад бюджет даромадларининг бир маромда тушишини таъминлаш, солиққа тортишнинг адолатлилик тамойилини тўлароқ амал қилишини амалга оширишдан иборат эканлигини англаш мумкин.

Тараққиёт стратегияси шароитидаги солиқ сиёсатининг **“Фойдали қазилмаларни қазиб олишни солиққа тортиш”** доирасидаги учинчи йўналиш борасида қуйидаги солиқ сиёсати тактикаси қўлланилаётганлигини кўриш мумкин:

*Биринчидан*, олтин, кумуш, платина, палладий, мис, руҳ, қўрғошин ва молибден бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг солиқ солиш базаси амалдаги ўртача сотиш нархидан Лондон металл биржасининг нархларига ўзгартирилди, *иккинчидан*, табиий газ, нефть ва металлларни қазиб олиб, якуний истеъмолчига сотадиган корхоналар учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблашда солиқ базасини ташиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ харажатлар суммасига камайтирилди, *учинчидан*, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари: нефть бўйича – 20 дан 10 фоизга, газ бўйича – 30 дан 10 фоизга, олтин ва мис учун – 10 дан 7 фоизга, вольфрам бўйича – 10,4 дан 2,7 фоизга, уран бўйича эса – 10 дан 8 фоизгача пасайтирилди, *тўртинчидан*, янги фойдаланишга топширилган

нефть ва газ қудуқлари учун мол-мулк солиғидан дастлабки икки йил давомида тўлиқ озод қилиш, кейинги уч йилда белгиланган солиқ ставкасининг 50 фоизига камайтириб қўллаш орқали янги конларни ўзлаштириш учун рағбатлантириш механизми яратилди, *бешинчидан*, фойдали қазилмаларнинг нархи ошиши натижасида вужудга келадиган юқори даражадаги фойданинг бир қисмини бюджетга ундириш мақсадида махсус рента солиғи жорий қилинди. Агар, мазкур учинчи йўналишнинг мазмунига қарайдиган бўлсак, унда асосан солиқ имтиёзларининг нисбатан бекор қилиниши ва айримлари бўйича солиқ имтиёзларининг жорий этилиши билан изоҳлаш мумкин.

Агар, Ўзбекистон республикасининг Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш билан боғлиқ дастлабки давлатнинг солиқ сиёсатидаги устувор йўналишга қарайдиган бўлсак, унда солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилганлигини кўриш мумкин. Ҳаракатлар стратегияси шароитидаги дастлабки Президент фармонларидан бири бўлган “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сон фармони ҳам айнан солиқларнинг йиғилувчанлигини ошириш ҳамда солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришга қаратилган эди. Солиқ маъмуриятчилигини доимий такомиллаштириш ҳозирги тараққиёт стратегияси шароитида ҳам солиқ сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилаб олинганлиги кўриш мумкинки, бу тўртинчи йўналиш қилиб белгиланган **“Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш”** борасидаги тактик йўналишда кўриш мумкин.

Бу йўналишда солиқ назоратини очиқ-ошкора ташкил этиш ҳамда солиқ органи ходимлари ва солиқ тўловчилар ўртасида тўғридан-тўғри алоқани чеклаш имконини берувчи текширувдан олдинги таҳлил тизими жорий этилаётганлиги, ҳисобварақ-фактуралар ва чекларда идентификация кодларини қасддан хато кўрсатганлик учун жавобгарлик, хусусан товар ва хизматлар қийматининг 1 фоизи миқдорда жарима, жисмоний шахсларнинг рўйхатдан ўтган жойидан қатъи назар, энг яқин бўлган солиқ органига бориш ёки электрон шаклда ариза бериш орқали даромад солиғининг ортиқча тўланган суммасини банк картасига қайтариш механизми, нотижорат ташкилотлар, жумладан бюджет ташкилотларининг қўшимча фаолиятдан қўшилган қиймат солиғи тўлаш мажбурияти жорий этилаётганлигини кўриш мумкин.

### **Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations)**

**Хулоса қилиб айтиш мумкинки**, Ўзбекистоннинг янги тараққиёт стратегияси шароитида солиқ сиёсати ва унинг асосий йўналишлари 2017 йилда қабул қилинган Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган солиқ сиёсатининг стратегик йўналишларининг мантиқий ва узвий давоми сифатида белгилаб олинганлигини кўриш мумкин. Шу билан биргаликда бизнинг фикримизча, Ўзбекистон солиқ сиёсати билан боғлиқ тактик йўналишларни ишлаб чиқишда **қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:**

**биринчидан**, кейинги йиллардаги солиқ сиёсати йўналишларини ишлаб чиқишда давлат бюджети ва солиқ тўловчилар манфаатларининг уйғунлигини таъминлашга қаратилиши;

**иккинчидан**, солиқ сиёсатида солиқ имтиёзларининг жорий қилинишида индивидуал тарзда ёндошувларнинг сақланиб қолинаётганлиги солиққа тортишнинг

адолатлилик тамойилини ролини пасайтирмоқда, шу боисдан индивудал тартибда солиқ имтиёзларини беришни имкон қадар қисқартириш;

**учинчидан**, солиқ маъмуриятчилигини амалга оширишда солиқ назоратининг камерал тури бугунги кунда тўлиқ ўзини оқлай олмаётганлигини эътиборга олиб, солиқ қонунчилигини мунтазам бузаётган солиқ тўловчиларга нисбатан жойида ўрганиш солиқ назоратини нисбатан кучайтириш лозим.

### **Фойданилган адабиётлар рўйхати**

1. Петти У. Трактат о налогах и сборах. - М.: Ось-89, 1997. —346 с.
2. Смит А. Исследования о природе и причинах богатства народов. П.э.с англ. Москва. 1962 г. - 408 с.
3. Рикардо Д. Начала политической экономии и налогового обложения. Сочинения, том I. — М.; Государственное издательство политической литературы, 1955. - 360 с.
4. Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономика: принципы, проблемы и политика. Пер. 16-го англ. изд. - М.: ИНФРА-М, 2006. - 940 с.
5. Менкью Н.Г. Принципы экономике. - СПб: Олреер Ком, 1999 - 784 с.
6. G.Buehler «Taxation and the minimum of subsistence» Source; The American Economic Review, Vol. 23, No. 2 (Jan., 1933), pp. 234-244. Stable URL; <http://www.jstor.org/stable/253>
7. ALEXANDER ODISHELIDZE and ARTHUR LAFER. Pay to the Order of Puerto Rico. Allegiance Press, USA 2004.- 455 p.
8. Musgrave R.M. The Theory of Public Finance. - NY.; McGrawHill, 1959. P. 94.
9. Rarasey F.A. Contribution to the Theory of Taxation // Economic Journal. 1927. No. 37. P. 47-61.
10. Исаев А. Очерк теории и политики налогов.-М.: ООО «ЮрИнфоР-Пресс», 2003.-270 с.
11. Кулишер М. Очерки финансовой науки. Петроград; Книгоиздательство «Наука и школа», 1919.-290 с.
12. Пансков В., Князев В. Налоги и налогообложение: Учебник для вузов. - М.: МЦФЭР, 2003. - 336 с.
13. Соколов А. Теория налогов.-М.: ООО «ЮрИнфоР-Пресс», 2003.-506 с.
14. Лерник Д. Введение в экономико-магематические модели налогообложения. - М. Финансы и статистика, 2000.- 256 с.
15. Гадоев Э. ва бошқ. Солиққа оид хатолар. – Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи, 1996. -128 б.
16. Гадоев Э., Қўзиева Н. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш. –Т.: Ўзбекистон, 2013. – 281 б.
17. Гатаулин Ш. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: ДСҚ, 1996. – 241 б.; Завалишина И. Солиқлар: назария ва амалиёт. – Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 2005. – 544 б.; Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: Шарқ, 2019. – 448 б.
18. Исламкулов А.К.бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизимини такомиллаштириш. И.ф.д (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. Автореферати 2019 йил б. 16.

19. Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. - Т.: Академия, 2002. - 204 б.
20. Маликов Т., Олимжонов О. Молиявий менежмент. – Т.: Академия, 1999. – 254 б.
21. Собиров Х.Р., Фаттахов А.А., Иминов О.Н. «Налогообложение малого и среднего бизнеса в Республике Узбекистан» - Т., Молия, 2000. -114 с.
22. Тошматов Ш. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли: Монография. – Т.: Фан ва технология, 2008. – 204 б.
23. Тошмурадова Б. Солиқлар воситасида иқтисодий бошқариш механизми. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 128 б.
24. Хайриддинов А.Б. Маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлигини таъминлаш йўллари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. автореферати. –Т.: 2011 йил б. 13.
25. Хайдаров Н. Молия. 1-қисм. – Т.: Академия, 2001. – 185 б.
26. Ниязметов И. “Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш” мавзусидаги докторлик диссертацияси Автореферати. Т.: БМА, 2019 йил.
27. Абдурахманов О. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар тизими ва уни такомиллаштириш масалалари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: ДЖҚА, 2005. – 40 б.
28. Яхёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Т.: Фан ва технологиялар, 2003. – 247 б.
29. Қўзиева Н. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар молия ва кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари. –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, - 296